

УДК 37.02

Узоқов Ботир, катта ўқитувчи
“Ижтимоий фанлар” кафедраси
Жиззах политехника институти
Uzokov Botir, senior teacher
Department of "Social Sciences"
Jizzakh Polytechnic Institute

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ- ДОЛЗАРБ ВАЗИФА СИФАТИДА

Аннотация: Мақолада миллий ғоя тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғоялари билан узвий ҳамоҳанглиги кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Миллий ғоя, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси, Учинчи Ренессанс, Янги Ўзбекистон, маънавият, ғоявий таҳдид, миллий мафкура.

Annotation: The article shows the concept of a national idea, its content, its inextricable harmony with the ideas of interethnic harmony and religious tolerance.

Keywords: National idea, interethnic harmony, religious tolerance, action strategy, development strategy, third Renaissance, New Uzbekistan, spirituality, ideological threat, national ideology.

Йигирма биринчи аср ўз моҳиятига кўра, глобаллашув жараёни кечаётган аср бўлиб, у дунёнинг барча минтақаларида ижтимоий-маданий ҳодисаларга ўзининг турлича таъсирини ўтказмоқда. Бундай таъсирнинг бир хил эмаслиги дунё мамлакатларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва геосиёсий омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Дунёда юз бераётган бу каби ўта шиддатли ва тезкор жараёнларнинг авж олиши шароитида миллий маънавиятга қаратилган таҳдидлар тобора ошиб бормоқда. Ана шу таъкидлардан келиб чиқиб, миллат маънавиятига қаратилган таҳдидлар биринчи галда, мамлакат

ривожининг эртанги кунини яратувчи ёшларга, уларнинг онги, дунёқарашига қарши қаратилганлиги билан хавфлидир. Чунки маънавиятнинг инқирозга юз тутиши, албатта, мамлакатнинг тараққиётдан орқада қолишига, бошқа давлатларнинг измида бўлишига олиб келади.

Миллий ғоянинг асосий вазифаларидан бири, аввало, халқнинг жипслигини, бирлигини, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдир. Иккинчидан, миллатнинг олий мақсадини, ривожланиш марраларини, мўлжалларини умумий тарзда аниқлаб, халққа истиқболни, ижтимоий мўлжални кўрсатиб беришдан иборатдир. Бу ҳақда тўхталиб, муҳтарам Президентимиз ўзларининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли китобларида шундай таъкидлайдилар: “Бугунги кунда Янги Ўзбекистон стратегияси худди шундай ҳаётбахш хусусият касб этмоқда, халқимизни ёруғ келажакка чорлаб ва янгиланишга сафарбар қилиб, умумий мақсадлар йўлида бирлаштириб турадиган яхлит маънавий асос ва мезонга айланиб бормоқда. Ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва янги уйғониш даври пойдеворини яратишдек улуғ мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустаҳкам қилмоқда”. [1]. Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, жорий вазифаларни эмас, балки стратегик олий мақсадни ифодалайди. Шу маънода Учинчи Ренессанс ғояси истиқболга интилишга жуда мос келади. Мазкур ғоянинг сафарбарлик кучи, умуман, мафкуравий салоҳияти жуда юқори. Айни чоғда ўтмиш тарихимизнинг шонли саҳифалари, буюк аجدодларимизнинг бунёдкорлик ва ижодкорлик салоҳияти билан боғланади. Бизга мазкур тушунча кимларнинг ворислари эканимизни эслатиб туради. Шу жиҳатдан олганда, Учинчи Ренессанс ғояси миллий руҳиятимизга, халқимиз армон-орзусига яқин.

Миллатлараро тотувлик-миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири бўлиб, муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи

тушунчадир. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келган. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади. Миллатлараро муносабатларда уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўп миллатлилиқ жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали таъсир этади. Мамлакатимиз Конституциясининг 8-моддасида “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар , Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”. деб таъкидланган.[2]. Учинчи Ренессанс тушунчаси мазмунини аниқ очиб бериш, уни аҳолининг барча қатламлари, аввало, ёшлар онгига етказиш зарур. Бу ҳақда тўхталиб, Президентимиз Ш.Мирзиёев “Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш” ғояси ҳам тасодифан ва қуруқ ерда пайдо бўлмаган, албатта. Юртимизнинг ниҳоятда бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятли эгаллиги бу борадаги ҳаётбахш режаларга асос бераётгани, шубҳасиз. Энг муҳими, жамиятимизда тинчлик–осойишталик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва меҳр–оқибат муҳити ҳукм сурмоқда”. [3].

Дунёда ғоявий ҳамда информацион хуружлар, турли мафкуравий таҳдидлар авж олаётган бугунги кунда ёшларимиз маънавиятини юксалтириш, уларнинг тафаккурида соғлом дунёқараш асосларини шакллантириш энг муҳим вазифадир. Бундай мураккаб ва таҳликали даврда маънавий–маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Жамиятни маънавий-маърифий янгилашдан кўзланган мақсад юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришишдан иборат экан, толерантлик асосини ҳам комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ташкил қилиб, миллий ғоя, миллий мафкурага амал қилган ҳолда мустақилликни янада мустаҳкамлашга эришишдир.

Янги Ўзбекистоннинг эртанги буюклигини таъминловчи ёшларимизда маънавиятни юксалтириш орқали уларни турли хил мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён–атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч ва осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев, “Янги Ўзбекистон стратегияси”, Тошкент, “O‘zbekiston” нашриёти, 2021 йил, 14- бет.
2. Ўзбекистон Республикаси конституцияси, “Халқ сўзи”, 1992 йил 15 декабрь, №243 (494).
3. Tajibayev, M. A., & Axmedov, J. T. (2022). Sinergetik yondashuv-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantirishning asosiy jihatlaridan biri sifatida. Scientific progress, 3(3), 527-532.
4. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). The concepts of sustainability and instability in synergetics are an important principle. Scientific progress, 3(3), 930-933.
5. Kholbekova, M. A. T. U. (2022). Applications and developments of synergetics. Scientific progress, 3(3), 942-945.
6. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). Content of the concept of synergetics. Scientific progress, 3(3), 938-941.
7. Kulmatov, P. M., & Tajibaev, M. A. (2022). Synergetic as a factor for the development of modern science. Scientific progress, 3(3), 925-929.
8. Tajibaev, M. A., & Kholbekova, M. U. (2022). Synergetic methodology serves humanity. Scientific progress, 3(3), 934-937.
9. Abdurashidovich, T. M. (2022). Yoshlarda sinergetik dunyoqarashni shakllantirish omillari. integration of science, education and practice. scientific-methodical journal, 3(3), 203-207.

10. Abdurashidovich, T. M. (2022). Sinergetika-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantiruvchi bilim sifatida. Fan, ta'lim, madaniyat va innovatsiya, 1(2), 69-73.

11. Azimova, S. Y., & Tojiboev, M. A. (2021). Improvement of spiritual and educational work it is our important task. Scientific progress, 2(5), 544-548.

12. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). State and community management-as a priority task in the appeal. International journal of discourse on innovation, integration and education, 2(2), 133-136.

13. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). Reforms in the judicial system as a topical direction in the appeal. International journal of discourse on innovation, integration and education, 2(2), 177-182.

14. Kulmatov, P. M., & Tajibayev, M. A. (2021). Interaction of moral, aesthetic and ecological education. Scientific progress, 2(1), 1149-1154.

15. Ruziev, A. J. (2019). Изучение мировоззрения и деятельности мыслителей как исторического критерия. Theoretical & Applied Science, (11), 166-169.

16. Ruziyev, A. (2021). Дунёқарашда тарихий хотира ва онгнинг ўзаро диалектикаси. Научно-просветительский журнал " Наставник", (2), 187-193.

17. Рўзиев, А. (2020). Амир Темур қарашларида сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг асос этиши. Научно-просветительский журнал " Наставник".

18. Rizaev I. Synergetics in Social Systems and its Possibilities //Global Scientific Review. – 2022. – Т. 10. – С. 62-69.

19. Сафаров А. И., Ризаев И. И. Факторы развитие экотуризма в Узбекистане //Глобальные проблемы модернизации национальной экономики. – 2022. – С. 629-633.